

**LINGUISTIC SCIENTIFIC VIEWS BY ABDURAKHMON AJ-JOMIY (USING THE EXAMPLE OF THE WORK "AL-FAVOID AZ-ZIYAIYYA")****Bakhriddin S. Umurzokov***DSc, Professor,**Department of "Classical Eastern Philology"**Yangi Asr University**Email: [bahrurmr\\_nur@mail.ru](mailto:bahrurmr_nur@mail.ru)**Tashkent, Uzbekistan***Khikmatulla Y. Toshtemirov***Independent researcher**Tashkent State University of Oriental Studies**Email: [toshtemirovhikmatulloh@gmail.com](mailto:toshtemirovhikmatulloh@gmail.com)**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** The concept of "Arabic language", classical Arabic language, modern Arabic literary language, Arabic grammar, Abdurrahman Jami, «al-Kofiya», «al-Favoid az-Ziyaiyya», terms of Arabic linguistics, linguistic scientific views, Jami's scientific views on Arabic grammar, concept of "vaḍʻ" (وضع).

**Received:** 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

**Abstract:** This article analyzes the scholarly views of the great Sufi scholar and poet of his time, Abdurrahman Jami (1414-1492), on Arabic grammar in his work, «al-Favoid az-Ziyaiyya».

«al-Favoid az-Ziyaiyya» is one of the most comprehensive grammar manuals created in Central Asia. This work examines every grammatical issue in detail, supported by examples. «al-Favoid az-Ziyaiyya» devotes special attention to Arabic linguistic terms. The author took a fresh approach to some terms and explained them in his own unique way. Although many books on Arabic grammar have been written over the past five centuries, «al-Favoid az-Ziyaiyya» stands out among them for its simplicity, clear style, and breadth of topics covered.

**АБДУРАХМОН ЖОМИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ  
("ФАВОИДУ-З-ЗИЁИЯ" АСАРИ МИСОЛИДА)****Бахриддин С. Умурзоқов***Профессор, DSc**«Мумтоз шарқ филологияси» кафедраси**«Янги аср» университети**email: [bahrurmr\\_nur@mail.ru](mailto:bahrurmr_nur@mail.ru)*

Тошкент, Ўзбекистон

**Ҳикматулла Ю. Тоштемиров**

Мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** «Араб тили» тушунчаси, классик араб тили, ҳозирги замон араб адабий тили, араб тили грамматикаси, араб тилшунослиги атамалари, Абдурахмон Жомий, “Фавоиду-з-зиёия” асари, “Кофия” рисоласи, Жомийнинг араб тили грамматикасига оид илмий қарашлари, “вадъ” (وضع) тушунчаси.

**Аннотация:** Мақола тасаввуф олими ва шоир Абдурахмон Жомий (1414-1492) нинг “Фавоиду-з-зиёия” асаридаги араб тили грамматикасига оид илмий қарашлари таҳлилига бағишланган. “Фавоиду-з-зиёия” асари Марказий Осиё минтақасида яратилган энг мукаммал грамматик қўлланмалардан биридир. Унда ҳар бир грамматик масала атрофлича ёритилган ва мисоллар билан далилланган.

“Фавоиду-з-зиёия” асарида араб тилшунослиги атамаларига алоҳида эътибор берилган. Муаллиф баъзи атамаларга янгича ёндашган ва уларни ўзига хос тарзда изоҳлаган.

Охирги беш аср мобайнида араб тили грамматикаси бўйича кўплаб китоблар яратилган бўлса-да, улар орасида “Фавоиду-з-зиёия” асари ўзининг соддалиги, тушунарли услуби ва қамраб олган мавзуларнинг кенглиги билан ажралиб туради. “Фавоиду-з-зиёия” асари “Кофия” асарининг энг мукаммал шарҳи бўлиш баробарида араб тили грамматикасига оид тўлиқ илмий маълумот берувчи манба ҳисобланади. Асардан Ўрта Осиё, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ҳозир ҳам асосий дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

### ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ АБДУРАХМОНА ДЖОМИИ (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «АЛ-ФАВОЙИД АЗ-ЗИЙОИЙЯ»)

**Бахриддин С. Умурзоков**

DSc, профессор

Кафедры «Мумтоз шарқ филологияси»

Университет «Янги аср»

Email: [bahrumr\\_nur@mail.ru](mailto:bahrumr_nur@mail.ru)

Ташкент, Ўзбекистон

**Ҳикматулла Ю. Тоштемиров**

Независимый исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Ўзбекистон

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Понятие «арабский язык», классический арабский язык, современный арабский литературный язык, арабская грамматика, Абдурахмана Джами, «ал-Кофия», «ал-Фавойид аз-Зийоийя», термины арабской лингвистики, лингвистические научные взгляды, научные взгляды Джами, концепция "vad" (وضع).

**Аннотация:** Статья посвящена анализу научных взглядов великого суфийского учёного и поэта своего времени Абдурахмана Джами (1414-1492) на грамматику арабского языка в его труде «ал-Фавойид аз-Зийоийя».

«ал-Фавойид аз-Зийоийя» — одно из наиболее полных грамматических пособий, созданных в Центральной Азии. В этом труде подробно рассматривается каждый грамматический вопрос, подкреплённый примерами. В «ал-Фавойид аз-Зийоийя» особое внимание уделяется терминам арабской лингвистики. Автор по-новому подошёл к некоторым терминам и объяснил их по-своему. Хотя за последние пять веков было создано множество книг по арабской грамматике, «Фавоиду-з-зийоийя» выделяется среди них своей простотой, понятным стилем и широтой охватываемых тем.

**Кириш.** Шарқ адабиётининг йирик намояндаси, шоир, олим, донишманд, тарихчи, мутасаввиф олим Абдурахмон Жомий (1414-1492) ўз даврининг забардаст тилшунос олими хам эди. Асл исми Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад бўлиб, “Жомий” тахаллуси билан танилган. Уни ўз даврида ҳурмат билан “Махдум-и Нуран” деб атаганлар. Алишер Навоий хам “махдум” (مخدوم) нисбасини фақат Жомийга нисбатан қўллаган (Navai, 1966, p. 124).

Сўнги вақтларда Абдурахмон Жомий ва унинг илмий мероси ҳақидаги тадқиқотлар кўпайган бўлса-да, унинг кўп қиррали фалсафий тафаккурини чуқурроқ англаш ҳамон муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ечишнинг биргина йўли алломанинг тил ҳақидаги тушунчасини ўрганиш, хусусан, маъно ва тил ўртасидаги муносабатни муҳокама қилувчи араб-ислом тилшунослик фанларидан бири бўлган “илм ал-ваз” (семантика) га доир қарашларини таҳлил қилишдан иборатдир. “Унинг араб тили грамматикасига оид жуда машҳур асари “Фавоиду-з-зийёия”да тил ҳақидаги муҳим фалсафий фикрлари акс этган” (Ökten, 2018, [https://doi.org/10.1163/9789004386600\\_011](https://doi.org/10.1163/9789004386600_011)).

“ал-Фавоид аз-Зийёия” (Фавоид-и Зийёийя) асари араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, XV аср охирида, муаллиф ҳаётининг сўнги йилларида ёзилган ва асрлар давомида “Марказий Осиё мадрасаларида араб тилини ўргатишда асосий қўлланма сифатида хизмат қилиб келган” (Ziyoev, 1989, p. 164).

Адабиётлар таҳлили ва методология. Абдурахмон Жомий (1414-1492) нинг араб тили грамматикасига оид илмий қарашлари таҳлил этишда аввало алломанинг “Фавоиду-з-

зиёия” асари матни ва унда шарҳланган араб тилшунослиги атамалари муҳим ҳисобланади. Мақолада алломанинг наҳв атамаларига янгича ёндашгани ва уларни ўзига хос тарзда изоҳлагани борасида алоҳида сўз юритилди. Мавзу тадқиқида “Фавоиду-з-зиёия” асари матни, аллома Тошқубрилизодининг “Мифтаҳ ас-Саъада”, Ҳожи Халифанинг “Кашфу-з-Зунун”, Муҳаммад Боқир Хувонсорийнинг “Равзату-л-жаннат” асарлари, тилшунос олимлар - Ҳаюрийнинг “Ҳошия бар Мулла Жомий” асари, шунингдек, Шайх Умар ибн Абдулваҳҳоб ал-Арзий, Ибн Ҳанбалий, Абдуллоҳ Данушарий Мисрийларниг арабий қасидалари ва бошқа орта аср муаллифларининг асарлари, замонавий тадқиқотчилар – Е.Ўқтеннинг («Abd al-Raḥmān Jāmī and the Ottoman Linguistic Tradition: Philosophy of Language and ‘Im al-Waḍ’ . In Jāmī in Regional Contexts. Leiden»), Т.Зиёевнинг («Рукописи “Ал-Фавоид-ад-Дияия” Абд ар-Рахмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ»), Усома Тоҳо ар-Рифоийнинг «ал-Жомий» (أسامة طه الرفاعي. الجامي وتحقيق كتابه الفوائد (الضیائیة). – مطبعة وزارة الاوقاف ۱۹۸۳), М.Жўраеванинг («Абдурахмон Жомийнинг “Ал-Фавоиду-з-Зиёия” асарида исм категориясининг таърифи масаласи») номли илмий мақолалари, “Арабские рукописи Института востоковедения АН СССР. Краткий каталог» и муҳим манбалар ҳисобланади. Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий ва компонентли таҳлил асосида ўрганилди.

Натижалар. “Фавоид-и Зиёия” асари “Муқаддима” (Кириш сўз) билан бошланган. “Муқаддима” аввалида ҳамд, яъни барча мактовлар ва шукрлар фақат бу нарсаларнинг Эгаси - Аллоҳ таолога тегишлидир, дейилади. Унинг Пайғамбари – ҳазрат Муҳаммадга, ул Зотнинг оила аъзолари ва саҳобаларига дуо-и хайрдан сўнг, шарҳ муаллифи “Кофия” асарини нима учун шарҳ қилганини баён қилган (Jami, 2020, p.23.). Муаллиф ўз шарҳини “калом” (كلام) сўзининг этимологиясини ўрганишдан бошлаган. “Калом” (كلام) сўзи “ал-калимату” (الكلمة) дан сўзидан ва ёки “ал-калму” (الكلم) масдаридан келиб чиққан бўлиб, “жароҳатлаш” маъносини англатади, дейди. “Калима” (الكلمة) ҳақидаги дастлабки муҳокамадан сўнг, Жомий “Фавоид-и Зиёия”да ўзи қўллаган “вадъ” (وضع) тушунчасини киритади. Жомийнинг фикрича, “вадъ” бир нарсани бошқа нарсага шундай нисбат беришки (таъйин), ҳар сафар бири айтилганда ва идрок этилганда (идрок), иккинчиси хаёлга келади. Бироқ, “вадъ”ни «маъно»дан фарқлаш лозим: “вадъ” шунчаки маъно эмас, балки аниқроғи маъно бериш жараёнидир. “Фавоид-и Зиёия”даги “вадъ”га бағишланган бўлим жуда қисқа – атиги бир неча сатр – аммо бу тушунча Жомийнинг лингвистик қарашларига асос бўлиб, бутун асар давомида унга кўп бор мурожаат қилинади.

Жомий “Кофия” асарига шарҳ ёзишда аллома Ибн Ҳожибнинг мавзулар тартибига қатъий риоя қилишга интиланган ва ундан четга чиқмаган. Унинг шарҳида келтирилган барча

кўшимчалар, кенгайтормалар ва тақсим (табақалаш)тиришлар асл матндаги мавзулар тартибига мувофиқ равишда ушбу мавзулар доирасига киради.

“Фавоид-и Зиёийя” асарининг “Марфуъот” (бош келишидаги отлар) бобининг бир қисмида араб тили грамматикаси ўзига хос баён қилинган (Jami, 2020, p. 155):

المرفوعات جمع المرفوع لا المرفوعة، لأن موصوفه (الاسم) وهو مذكر لا يعقل، ويجمع هذا الجمع مطردا صفة المذكر الذي لا يعقل كالصافنات للذكور من الخيل و (جمال سبخلات) أي: ضخامات وكالأيام الخاليات

Яъни: “Марфуъот” сўзи “марфуъатун” сўзининг кўплик шакли эмас, балки “марфуъун” сўзининг кўплигидир. Чунки марфуъ сўзининг мавсуфи (сифатланмиши) “исм” сўзидир. У эса жинс категориясида оқил бўлмаган, музаккар (рижол, яъни эр киши) жинсидаги сўзидир. Унинг кўплик шакли ғайри оқил, музаккар жинсининг сифати қоидасига биноан жамланади. Масалан, музаккар отларнинг сифати кўплик шаклида “الصافنات” “ас-софинот”, катта туянинг сифати кўплик шаклида “جمال سبخلات” “Жимолун Сибаклот”, кун сўзининг сифати кўплик шаклида “الأيام الخاليات” “ал-айяму-л-холиёт” бўлгани каби”.

Абдурахмон Жомий “Марфуъот” бобига киришар экан, кичик кириш қилади. Яъни, “Марфуъот” сўзи марфуъун сўзини кўплик шаклими ёки марфуъатун сўзининг кўплик шаклими?” деган саволни қўяди.

Бир қарашда марфуъатун сўзини кўплик шаклига ўхшаб кўринса-да, у марфуъун сўзининг кўплигидир. Буни Абдурахмон Жомий ақлсиз музаккар нарсаларнинг сифатлари муаннас (аёл жинс)нинг кўплиги шаклида ясади билан исботлайди. Бунга “от”, “туя” ва “кун” сўзлари музаккар (эркак жинс) бўлсада, уларнинг сифатлари муаннас (аёл жинс)нинг кўплиги шаклида жамланишини мисол келтиради (Jami, 2020, p. 155):

"هو" أي: المرفوع الدال عليه المرفوعات، لأن التعريف إنما يكون للماهية لا للأفراد "ما اشتمل" أي: اسم اشتمل "على علم الفاعلية" أي: علامة كون الاسم فاعلا وهي الضمة والواو والألف.

Яъни: “У, яъни “Марфуъот” сўзи англатадиган “марфуъ” (чунки таъриф алоҳида сўзларга эмас моҳиятга берилади) фоил (фезлий жумлада эга)лик аломатини ўз ичига олган исмдир. Яъни, исмнинг фоил экани аломати “замма” ҳаракати, “вов” ҳарфи ва “алиф” ҳарфидир”.

Абдурахмон Жомийга кўра: هو сўзи “марфуъ” деган маънода, чунки таъриф ҳар бир фардга (бирликка) эмас, балки умумий моҳиятга берилган. Раф ҳолати (бош келиши)даги исм (от) фоиллик (эгаллик) аломатини ўз ичига олган исм бўлиб, раф ҳолатининг аломати ўрнига қараб “замма” ҳаракати, “вов” ёки “алиф” ҳарфлари бўлади (Jami, 2020, p. 155):

والمراد باهتمام الاسم عليها: أن يكون موصوفاً بها لفظاً أو تقديراً أو محلاً ولا شك أن الاسم موصوف بالرفع المحلي، إذ معنى الرفع المحلي أنه في محل لو كان ثمة معرب لكان مرفوعاً لفظاً أو تقديراً، وكيف يختص الرفع بما عدا الرفع المحلي؟ وهو يبحث مثلاً عن أحوال الفاعل إذا كان مضمراً متصلاً كما سيجيء

Яъни: “Исм фоил (эга)лик аломатларини ўз ичига олишидан мурод, ўша аломатлар билан лафзда ё тақдирий эъробда ё маҳалда сифатланган бўлишидир (яъни, гўё сифатлангандек бўлади). Ҳеч шубҳасиз, исм маҳаллий раф эъроб билан сифатланади. Чунки маҳаллий раф эъроб дегани, фаразан ўша ўринда мўъроб исм (охирги ҳарфининг ҳаракатлари ўзгарувчи от) бўлганида лафзан ёки тақдиран марфуъ (бош келишиқда) бўлган бўларди. Қандай қилиб раф ҳолати маҳаллий раф ҳолатидан бошқа ҳолатларга хосланган бўлсин (яъни, қандай қилиб маҳаллий раф эъроб ўрнини раф ўринлар қаторидан чиқариш ташлаш мумкин)? Ваҳоланки, маҳаллий раф ҳолатида фоил муттасил замир (феъл ёки отга қўшилиб келувчи олмош) бўлганда, унинг ҳолатларидан баҳс қилинади ва бу тезда келади”.

Бу ерда Абдурахмон Жомий исмнинг раф (бош келишиқда) бўлиш аломати лафзда кўриниб туриши, ёки тақдирий-лафзда кўринмайдиган бўлиши, ёки маҳаллий бўлишини тушунтирган, исмда маҳаллий эъроб ҳам мавжудлигини таъкидлаган. Маҳаллий раф ҳолатига феълга қўшилиб келган раф замир (олмош)ларни мисол келтирган. Ўша замирлар мабний (охирги ўзгармас) бўлгани учун доим бир хил ҳаракатда бўлади, ваҳоланки, уни ўрнида мўъроб исм (охирги ўзгарувчи от) келганида эди, албатта, раф ҳолатининг аломатини олган бўларди, дейди (Jami, 2020. p. 156):

"فمنه" أي: من المرفوع أو مما اشتمل علم الفاعلية: الفاعل وإنما قدمه، لأنه أصل المرفوعات عند

الجمهور، لأنه جزء الجملة الفعلية التي هي أصل الجمل، ولأن عامله أقوى من عامل المبتدأ.

Яъни: “Фоиллик аломатини ўз ичига олганлардан бири “фоил” (феълий жумладаги эга)дир. Ибн Ҳожиб уни биринчи келтирганининг сабаби, барча наҳв олимлари наздида фоил раф (бош келишиқда) бўладиган сўзларнинг асли (асоси) ҳисобланади. Чунки фоил, жумлаларнинг асли бўлган феълий жумланинг бир бўлагидир. Чунки фоилнинг омили (бошқарувчиси) мубтадо (исмий жумладаги эга)нинг омилидан кучли”.

Кейин Абдурахмон Жомий марфуъ (бош келишиқдаги от)лардан бири фоил (эга)нинг таърифини шарҳлаган. Нима учун фоилнинг биринчи келтирилганини баён қилиб, барча наҳв олимлари наздида фоил марфуъ (бош келишиқдаги) исмларнинг асли (асоси) эканини айтади. Бунинг сабаби, фоил феълий жумланинг бир бўлагидир. Феълий жумла эса турли жумлалар ичида аслдир. Яна бир сабаб фоилнинг омили-феъл лафзий омил бўлса, мубтадонинг омили маънавий омил – ибтидо (жумланинг бошланиши)дир (Jami, 2020. p.

:155)

وقيل: أصل المرفوعات المبتدأ لأنه باق على ما هو الأصل في المسند إليه وهو التقديم بخلاف الفاعل، ولأنه يحكم عليه بكل حكم، جامد ومشتق، فكان أقوى بخلاف الفاعل، فإنه لا يحكم عليه إلا بالمشتق.

Яъни: “Марфуъот (бош келишиқдаги от)ларнинг асли мубтадо (исмий жумладаги эга), деган гап ҳам бор. Чунки у муснадун илайх (яъни гапнинг суянадиган асоси) бўлиб гапнинг бошида келишда ўз ҳолида қолган. Фоил эса ундай эмас (у феълдан кейин келади). Яна мубтадо устидан жомид (ундан бошқа сўзлар чиқариб олинмайдиган) ва муштақ (ундан бошқа сўзлар чиқариб олинадиган) исмлар билан ҳукм қилинади ва у кучли бўлади. Фоил эса ундай эмас. Фоилнинг устидан фақат муштақ исмлар билан ҳукм чиқарилади (яъни фоилнинг сифати ёки ҳолини муштақ исмлар билан ифодаланади)”.

Абдурахмон Жомий юқоридаги фикрга зид бўлган яна бир фикрни ҳам келтирган. Бу мубтадо марфуъларнинг асли (асоси) деган қараш бўлиб, уларнинг ҳам ўзига яраша далиллари бор. Лекин Абдурахмон Жомий бу фикрни кейин келтиргани ва “айтилишича” деб ифодалашни билан уни кучли эмаслиги ва эътиборли эмаслигига ишора қилган (Jami, 2020. p. 157):

"وهو" أي: الفاعل "ما" أي: اسم حقيقة أو حكما، ليدخل فيه مثل قولهم: (أعجبتني أن ضربت زيدا)  
"أسند إليه الفعل" بالأصالة لا بالتبعية، ليخرج عن الحد توابع الفاعل --

Яъни: “Фоил иш ҳаракат унга нисбат берилган ҳақиқий ёки ҳукмий исм бўлади. Ҳукмий дейиш “Зайдни уришинг мени хурсанд қилди”

(أعجبتني أن ضربت زيدا) каби сўзларни ҳам ичига олиш учун айтилди. Чунки бу сўзда иш-ҳаракат “Зайдни уришинг” (أن ضربت زيدا) жумласига эргашувчилик жиҳатидан эмас, аслият жиҳатидан суянтирилган (яъни, нисбат берилган). Бу таърифдан фоилнинг тобеълари (эргашувчилари, яъни сифат, бадал, таъкид ва атфи баён) чиқиб кетади. Чунки уларга иш-ҳаракат аслият жиҳатидан эмас, тобеълик жиҳатидан нисбат берилади.

Абдурахмон Жомий мавзуни шарҳлашда давом этиб, фоил (феълий жумладаги эга) – иш-ҳаракат унга нисбат бериладиган исм (от) экани, яъни фоил иш-ҳаракатни бажарувчи эканини баён қилади. Фоил гоҳида ҳақиқий исм бўлса, гоҳида ҳукмий исм бўлади.

Ҳукмий исм бўлишига (أعجبتني أن ضربت زيدا) жумласини мисол қилинди. Бу жумлада (أعجبتني) феъл ва мафъул (тўлдирувчи) бўлса, (أن ضربت زيدا) жумласи (أن) масдария ва (ضربك زيدا) жумласи қўшилиб (ضربك زيدا) маъносидаги масдар (ҳаракат номи)га айланади ва (أعجبتني) феълига фоил бўлади. Буни ҳукмий фоил, дейилади. Шу ўринда Абдурахмон Жомий: фоилга иш-ҳаракатни бажариш нисбати аслик жиҳатидан берилади, эргашувчилик жиҳатидан эмас, дейди. Мана шу қоидага кўра, фоилнинг тобеълари: сифат,

бадал, таъкид ва атфи баёнларига фоиллик аслий эмас, балки табаъий (эргашиш) жиҳатдан нисбат берилади (Jami, 2020. p. 157):.

وكذا المراد في جميع حدود المرفوعات والمنصوبات والمجرورات غير التوابع، بقرينة ذكر التوابع بعدها. "أو شبهه" أي: ما يشبهه في العمل، وإنما قال ذلك، وإنما قال ذلك، ليتناول فاعل اسم الفاعل والصفة المشبهة والمصدر واسم الفعل وأفعال التفضيل والظرف

Яъни: “Худди шундай марфуъот (бош келишикдаги отлар), мансубот (тушум келишигидаги отлар) ва мажрурот (қаратқич келишигидаги от)ларнинг таърифларида ҳам тобеъ (турланадиган отлар билан мослашадиган)лар назарда тутилмаган. Буни мазкурларнинг ҳукмларидан кейин тобеъларнинг таърифлари келтирилганидан ҳам билиш мумкин.

Иш-ҳаракат фоилга нисбат берилгани каби, шибҳи фоил (амал қилишда фоилга ўхшаган сўзлар)га ҳам нисбат берилади. Фоилга ўхшаш дейишдан мақсад, исми фоил (аниқ даража сифатдош), сифати мушаббаҳа (феълдан ясалган сифатлар), масдар (ҳаракат номи), исми феъл (феъл маъносидаги отлар), исми тафзил (сифатнинг орттирма даражаси) ва зарф (ўрин ва пайт холи) ҳам қўшилиши учундир”.

Абдурахмон Жомий шарҳда фоилга ўхшаган ва унинг вазифасини бажарувчи сўзларни ҳам келтирган. Шибҳи феъллар, яъни фоил вазифасини бажарувчи сўзларга исми фоил, сифати мушаббаҳа, масдар, исми феъл, исми тафзил ва зарф ҳам қўшилишини баён қилмоқда. Яъни, мазкур калималар ҳам сўзда фоил бўлиб келиши мумкин (Jami, 2020. p. 157):.

"وقدم" أي: الفعل أو شبهه "عليه" أي على ذلك الاسم، واحترز به عن نحو (زيد) في: (زيد ضرب) لأنه مما اسند إليه الفعل، لأن الإسناد إلى ضمير شيء إسناد إليه في الحقيقة لكنه مؤخر عنه،

Яъни: “Феъл ёки унга ўхшаш сўзлар ана шу исм (яъни фоил ва унинг ўхшашлари)дан аввал келади. Бу сўз билан (زيد ضرب) жумласидаги زيد га ўхшашлардан сақланилди. Чунки бу жумлада زيد сўзи фоил бўлмасида (у бу ерда мубтадо), иш-ҳаракат унга нисбат берилган. Чунки бир нарсанинг замирига нисбат бериш ҳақиқатда унга нисбат бериш ҳисобланади. Лекин феъл زيد сўзидан кейин келтирилган”.

Абдурахмон Жомий фоилнинг яна бир хусусияти улардан аввал, албатта, феъл ёки феълнинг ўрнини босувчи сўзлар келишини айтган.. Бу қоида билан (زيد ضرب) жумласига ўхшаган сўз тузилишлари чиқиб кетади. Чунки бу жумла мубтадо (эга) ва хабар (кесим)дан иборат. Гарчи ضرب феълида яширинган هو замир (олмош)ининг эгаси زيد бўлсада у фоил эмас, балки мубтадодир. Фоил бўлиши учун ундан аввал феъл ёки шибҳи феъл (феълга ўхшашлар) келиши керак.

والمراد تقديمه عليه وجوبا، ليخرج عنه المبتدأ المقدم عليه خبره نحو (كريم من يكرمك)

Яъни: “Феъл фоилдан аввал келади, дейилганда, аввал келиши шарт экани тушунилади. Шунда бу таърифдан хабар (кесим)и ўзидан аввал келган мубтадо (эга) чиқиб кетади. Масалан, (كريم من يكرمك) (Сени ҳурмат қилган киши ҳурматлидир) жумласида كريم сўзи фоил эмас, мубтадо (эга)дан аввал келган хабар (кесим)дир” (Jami, 2020. p. 157):

(والأصل) في الفاعل ، أي : ما ينبغي أن يكون الفاعل عليه ، إن لم يمنع مانع ، (أن يلي فعله المسند إليه ) أي : يكون بعده من غير أن يتقدم عليه شيء آخر من معمولاته لأنه كالجزء من الفعل، لشدة احتياج الفعل إليه ، يدل على ذلك إسكان اللام في (ضربت) ؛ لأنه لدفع توالي أربع حركات فيما هو بمنزلة كلمة واحدة.

Яъни: “Фоил (эга)даги асл қоида, агар монеълар бўлмаса, унга нисбат берилган феъл (иш-ҳаракат)дан кейин келишидир. Феълнинг таъсири остидаги маъмул (тўлдирувчи ва ўрин ва пайт ҳол)лардан бирортаси феъл ва фоил ўртасида келмаслиги керак. Чунки феълнинг фоилга эҳтиёжи катта бўлганидан фоил феълнинг бир бўлагига ўхшаб кетади. Бу нарсани (ضَرَبْتُ) жумласидаги “лом” баробари (феълнинг учинчи ҳарфи)нинг сукунли бўлиши билдириб туради. Бу ўринда феъл билан фоил бир калимага айланиб кетган. Фақат тўртта ҳаракат кетма-кет келмаслиги учун феълнинг учинчи ҳарфи сукунли қилинган”.

Абдурахмон Жомий феъл ва фоил ўртасидаги асл қоидани шарҳлаб, улар бир-бирига яқин, кетма-кет келишига сабаб феълнинг фоилга ўта муҳтожлиги ва фоил феъл билан гўё бир сўздек бўлиб кетишидир, дейди. Ҳатто (ضَرَبْتُ) калимасидаги феъл билан фоил ўртасини сукун билан ажратилиши тўртта ҳаракатнинг кетма-кет келмаслиги учундир (Jami, 2020. p. 157):

فلذلك الأصل الذي يقتضي تقديم الفاعل على سائر معمولات الفعل (جاز ضرب غلامه زيد) لتقدم مرجع

الضمير ، وهو (زيد) رتبه فلا يلزم الإضمار قبل الذكر مطلقا ، بل لفظا فقط ، وذلك جائز

Яъни: “Фоил феълнинг таъсири остидаги сўз бўлақларининг барчасидан аввал келишини тақазо қилувчи қоидага кўра “Зайд хизматкорини урди” (ضَرَبَ غلامَه زيد) дейиш жоиз. Чунки бу ерда фоил вазифасини бажарувчи زيد га қайтувчи замир (олмош) мартаба жиҳатдан мафъул (тўлдирувчи)дан олдинда турибди. Шунинг учун бундай сўз тузилишидан “Ал-измару қобла-з-зикр” яъни, “сўздан аввал унга тегишли олмошнинг келиши” юзага чиқмайди. Фақат бу нарса лафзда юзага келади ва бу жоиз кўрилган ишдир”.

Абдурахмон Жомийнинг таъкидлашича, бир қарашда, биз юқорида ўрганган феълдан кейин фоил келиши қоидаси ضَرَبَ غلامَه زيد жумласида бузилмоқда. Чунки бу ерда мафъул (тўлдирувчи) фоилдан аввал келмоқда. Лекин фоилнинг асл мартабаси феълдан кейин бўлгани учун лафзда кейин келаётган бўлса ҳам, мартабада мафъулдан аввалдир. Бу нарса

араб тили сўз тузилишида йўл қўйилиши дуруст бўлган ҳолатлардан биридир (Jami, 2020. p. 157):

(وامتتع ضرب غلامه زيذا) لتأخر مرجع الضمير وهو (زيد) لفظا ورتبة ، فيلزم الإضمار قبل الذكر ، لفظا ورتبة وذلك غير جائز خلافا للأخفش وابن جني ومستندهما في ذلك مقول الشاعر :

جزى رُبُّهُ عَنِّي عديَّ بن حاتم

جزاء الكلاب العاويات وقد فعل

وأجيب عنه بأن هذا لضرورة الشعر ، والمراد عدم جوازه في سعة الكلام وبأنه لا نسلم أن الضمير

يرجع إلى (عدي) بل إلى المصدر الذي يدل عليه الفعل، أي : جزى رب الجزاء

Яъни: “Араб тилида **ضَرَبَ غُلَامُهُ زَيْدًا** деб сўз тузиш мумкин эмас. Чунки **سُزِيغَا زَيْدًا** қайтувчи замир (олмош) лафзда ҳам, мартабада ҳам ундан олдинда келмоқда. Бу ерда ҳам лафзда, ҳам мартабада “Ал-измару қобла-з-зикр” яъни, “сўздан аввал унга тегишли олмошнинг келиши” юзага чиқади. Бу нарса араб тили сўз тузилишида дуруст эмас. Лекин бу қоидага тилшунос олимлар - Имом Ахфаш ва Имом Ибн Жинний зид қарашда бўлганлар.

Уларнинг суянган далиллари шоирнинг қуйидаги сўзи бўлган (Ismail, 2012, p.34):

جزى رُبُّهُ عَنِّي عديَّ بن حاتم جزاء الكلاب العاويات وقد فعل

Наҳв олимлари уларга жавоб бериб айтадиларки, бундай таркиб шеър зарурати сабабли юзага келган. Сўз ичида бу таркиб жоиз эмас. Яна биз ғоиб замир (учинчи шахс олмоши) **عدي** сўзига қайтишига унамаймиз, балки замир феълдан англашилган масдар (ҳаракат номи)га қайтади. Яъни, (**جزى رُبُّهُ عَنِّي**) жумласининг сўз тузилиши аслида (**جزى** (رب الجزاء) бўлган”.

Бу ўрнида Абдурахмон Жомий феъл, фоил ва сўзнинг бошқа бўлаклари аралашиб келганда мумкин бўлмаган сўз тузилишини изоҳлайди. Чунки (**ضَرَبَ غُلَامُهُ زَيْدًا**) жумласида феълдан кейин келган фоил **غُلَامُهُ** га қўшилган замир (олмош) ўздан кейин келадиган **زَيْدًا** сўзига қайтади. Бу сўз мафъулун бих (тўлдирувчи) бўлгани учун унинг сўздаги ўрни фоилдан ҳам мартабада, ҳам лафзда кейин туради. Шу сабабли араб тилида дуруст кўрилмаган “Ал-измару қоблаз-зикр” яъни, “сўздан аввал унга тегишли олмошнинг келиши” юзага чиқади. Лекин Жомий илмий омонат жихатидан мана шу сўз тузилишини ҳам дуруст кўрган олимлар борлиги, улар баъзи шоирларнинг сўзларини ўзларига далил қилганларини айтиб кетади. Кўпчилик наҳв олимлари, бундай қарашни қўллаб-қувватламагани, аксинча, шоирларнинг сўзидаги бундай истиснолар шеърнинг заруратидан юзага келиши, бунинг устига олимлар шеърдаги замирнинг қайтадиган ўринлари тўғрисида яқдил фикрда эмаслигини таъкидлайди.

Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг “Фавоид-и Зиёийя” асари араб тили грамматикасини ёритишда, араб тили грамматикасига оид илмий қарашлар ва араб тилшунослиги атамалари баёни, мазкур атамаларга янгича ёндашув, уларни ўзига хос тарзда изоҳлаш маҳорати борасида ўзига хос услуби ва чуқур таҳлиллари билан илмий аҳамиятга эга фундаментал асардир.

Мазкур асар Аллома Ибн Ҳожибнинг “ал-Кофия фи-н-наҳв” асарига шарҳ сифатида ёзилган бўлиб, унда араб тили грамматикасининг барча асосий масалалари қамраб олинган.

Асар муқаддима ва уч бобдан иборат:

- биринчи боб исмлар (маърифа - аниқ отлар, алам - атоқли отлар, накра - ноаниқ отлар, адад исмлар - сонлар, музаккар ва муаннас - жинс категорияси, иккилик отлар, кўплик, масдар - ҳаракат номи, исми фоил, исми мафъул ва сифати мушаббаҳа - феълга ўхшаган сифат ҳамда исми тафзил - қиёсий даража отлари,

- иккинчи боб феъллар (ўтган замон, ҳозирги замон, “ن” сўзи гапдан тушиб қолсада ўз таъсирини ўтказадиган ўринлар, амр - буйруқ майли, ноиб фоил, ўтимли феъллар, афъоли кулуб - қалбга тегишли феъллар, ноқис феъллар - тўлиқ шаклланмаган феъллар, муқораба - кесими бирор нарсага яқинлашган феъллар ва таажжуб - ажабланиш учун ишлатиладиган феъллар ҳамда мадҳ ва зам - мақтов ёки ёмонлаш учун ишлатиладиган феъллар,

- учинчи боб эса ҳарфлар ҳарфлар (жар ҳарфлари - кўмакчи ва юкламалар, феълга ўхшаш ҳарфлар, атф - боғловчи ҳарфлари, танбиҳ - огоҳлантириш ҳарфлари, нидо - ундалма ҳарфлари, зоида - ортиқча ҳарфлари, тафсир ва масдар ҳарфлари, таваккуъ - кутишни билдирадиган ҳарфлари, сўроқ ҳарфлари, шарт ҳарфлари, рад қилиш ҳарфи ва муаннасининг “تاء”си, танвин ҳамда таъкидни билдирувчи “нун” ҳарфи) ҳақидадир.

Биринчи бобда жами 71 та, иккинчи бобда жами 10 та, учинчи бобда эса жами 16 та грамматик мавзу батафсил ёритилган.

Абдурахмон Жомий мураккаб грамматик масалаларни содда услубда, мисоллар билан чиройли тушунтириб, ўзига хос ёндашувларни - сўзларнинг синтактик вазифалари, семантикаси ва этимологияси таҳлилинини киритган. Мана шу боисдан бу асар кўп асрлар давомида араб тили таълимида муҳим дарслик бўлган. “Фавоид-и Зиёийя” асари кейинчалик Аллома Абдуғафур Лорий ва Исмоил ибн Мустофо каби олимларнинг шарҳ ва ҳошиялари билан бойитилган. “Фавоид-и Зиёийя” асари ҳозирги кунда ҳам араб тилшунослиги соҳасидаги энг қимматли манба сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

“Фавоид-и Зиёийя” асаридаги Абдурахмон Жомийнинг араб тили грамматикасига оид ўзига хос илмий қарашларини, асардаги араб тилшунослиги атамалари баёнларини,

мазкур атамаларга янгича ёндашувларини, уларни хос тарзда изоҳлаш услубини чуқур ўрганиш, алломанинг илмий қарашларини замонавий араб тили грамматикаси ва тилшунослиги билан қиёсий тадқиқ ҳамда таҳлил этиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Navai, A. (1966). *Elegant gatherings*. - *Elegant gatherings in the garden of poetry*. Majolis an-nafois. – Tashkent: Vol. 12. – 124 p. (in Uzbek).
2. Salih Tagrid Mukhammad. (2016). Grammar topics in the book "Al-Fawa'id Al-Diya'iya", a commentary on the work "Kofiya". *Qazaya nahviyya fiy kitabihi al-Favaid az-Ziyaiyya fiy sharh al-Kafiya. Dirasatu nahviyya muvazana tahliliyya*. – Urdun: – 164 p. (in Arabic).
3. Ismail ibn Mustafa ibn Makhmud (2012). Commentary and additions to Abdur-Rahmani Jami's book "al-Favaid az-Ziyaiyya". *Taliqot bar kitob al-Favaid az-Ziyaiyya-i Abdur-Raxmoni Jomiy*. – Tojikiston: Kitobxona-i milliyi Tojikiston.– URL: <http://kmt.tj/ru/news/kalanba/> (in Tajik).
4. Jami, N.A. (2015). *Al-Favaid az-Diyaiya*. [Benefits (tips) for Ziyauddin to understand the work of "Kofiya"]. *al-Favaid az-Ziyaiyya*. – Istanbul: Dorul-ulun an-nashr. - 450 p. (in Turkey).
5. Ziyoev, T. (1989). The manuscripts of “Al-Favoid-ad-Diyaiya” by Abd ar-Rahman Jami, stored in the collection of the Institute of Manuscripts of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. *Rukopisi “Al-Favoid-ad-Diyaiyya” Abd ar-Rahmana Djami, xranshchiesya v fonde Instituta rukopisey AN RU // Sbornik. Abd ar-Rahman Djami*. – Tashkent: - 450 p. (in Uzbek).
6. Ökten, E. (2018). Chapter 9 ‘Abd al-Rahmān Jāmī and the Ottoman Linguistic Tradition: Philosophy of Language and ‘Ilm al-Waḍ’. In *Jāmī in Regional Contexts*. Leiden, The Netherlands: Brill. [https://doi.org/10.1163/9789004386600\\_011](https://doi.org/10.1163/9789004386600_011). (in English)